

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5А220101 – 2.05

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “24” 08

СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИДА ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000	– Журналистика ва ахборот
Магистратура мутахассислиги:	5А220101	– Журналистика (спорт журналистикаси)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Н.Тошпўлатова – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.
Ў.Мирзаёров – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири

Такризчилар:

- С.Ҳақимов – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси (*кадрлар истеъмолчиси*).
Ш. Қудратхўжаев – ЎзМУ, журналистика факультети “Матбуот” кафедраси мудири, ф.ф.д. (*турдош ОТМ*);
А.Матёкубов – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан журналистика мутахассислиги бўйича магистратуранинг спорт йўналишидаги талабаларни спорт журналистиканинг ижтимоий роли, спорт соҳасини ёритишда ихтисослашган ОАВ иштирокининг аҳамияти, унда фаолият олиб борадиган спорт журналистларининг фаолият турлари, ижодий лабораторияларини ўрганишни назарда тутди.

“Спорт журналистикасида ижодий лабораториялар” фани мутахассислик фанлари блокига киритилган курс бўлиб, спорт йўналишидаги магистратура 1 курс, 2-семестрида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

“Спорт журналистикасида ижодий лабораториялар” фани ижтимоий-гуманитар фанлар туркумига киради. У журналистик ижод маҳорати асослари таркибига кирувчи “Янгиликлар журналистикаси”, “Таҳлилий журналистика”, “Бадий-публицистика” сингари фанлар билан чамбарчас боғлиқ.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – магистр талабаларда спорт журналистикасида ижод маҳорати асосларини ўрганишда спортга ихтисослашган ОАВ ва уларда фаолият олиб борувчи спортга журналистларининг ижодий лабораторияларини ўрганиш ижод қилиш малакасини такомиллаштиришдир.

Фаннинг вазифаси – ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмаларини шакллантиришда ижодий лабораториялар аҳамияти бўйича дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- спортга ихтисослашган ОАВнинг асосий хусусиятлари, таҳририятларнинг ижодий лабораториялари ва спорт мавзусида ёзадиган журналистларнинг маҳорат мактаблари тўғрисида *тасаввурга эга бўлиши*;
- спортга ихтисослашган ОАВ ва бошқа турларида спорт мавзуларини ёритилишининг ўзига хос хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана* олиши;
- талаба спорти мусобақалари, спорт билан боғлиқ бошқа масалаларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш, спорт мавзуларини ёритиш *кўникмаларига эга бўлиши* керак.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. “Спорт журналистикасида ижодий лабораториялар” фанининг мақсад ва вазифалари

“Спорт журналистикасида ижодий лабораториялар” фаннинг мақсади ва вазифалари. Спортга ихтисослашган ОАВ ва уларнинг ахборот самарадорлигини таъминлашдаги ўрни. Спортга ихтисослашган замонавий ОАВ типологияси. Журналистикада ижодий лаборатория, ижодий эксперимент тушунчаси.

2- мавзу. Хорижий ва миллий ОАВда спорт соҳасига ихтисослашишнинг аҳамияти

АҚШ, Россия, Европа ва Осиё мамлакатлари спорт ОАВ таснифи. Спорт ва спорт турларига ихтисослашган ОАВ типологияси. Спорт ОАВнинг умумий ваўзига

хосликлари. Спортга ихтисослашган ОАВнинг аудиторияни ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришдаги иштироки.

3- мавзу. Публицистикада ижод тушунчаси

Ижод тушунчаси. Публицистик ижоднинг ўзига хослиги. Публицистик ижоднинг спорт журналисти фаолиятидаги аҳамияти. Спорт журналисти ижоди публицистик ижоднинг муҳим кўриниши сифатида. Спорт журналисти ижодининг ўзига хослиги.

4- мавзу. Спорт журналистикасида маҳорат масалалари

Спорт публицистикасининг таърифи, ўзига хос хусусиятлари, хиллари ва турлари. Журналистик ва публицистик фаолиятнинг ўзига хослиги. Публицистик ижод моҳияти ва унда маҳоратнинг аҳамияти. Спорт публицистикасида маҳорат асослари.

5- мавзу. Янги Спорт журналистикасининг шаклланишида таҳририят мактабининг аҳамияти

Спортга ихтисослашган ОАВ таҳририятлари мактабларининг шаклланиши ва уларнинг спорт журналистикаси самарадорлигига кўрсатадиган таъсири. Таҳририятларда маҳорат мактабларининг шаклланишида алоҳида журналистлар маҳоратининг аҳамияти. Спорт журналистикасида устоз шогирдлик муносабатлари.

6- мавзу. Спортга ихтисослашган босма нашрлар маҳорат мактаблари

“Спорт” газетаси спортга ихтисослашган биринчи нашр сифатида. Газета таҳририятининг ижодий анъаналари. Газетада фаолият олиб борадиган журналистларнинг ижодий индивидуаллиги. Таҳририятда спорт турларига ихтисослашиш масалалари. Газета таҳририятининг ижодий тажрибаси

7- мавзу. Босма нашрларда спорт мавзуларни ёритишда маҳорат масалалари

Матбуотда махсус спорт саҳифаларининг пайдо бўлиши. Жаҳон матбуотининг етакчи нашрларида спорт саҳифаларининг ташкил этилиши. Аудиториянинг спортга мусобақаларига бўлган қизиқишининг ортиши. Жаҳон матбуотида дастлабки спорт нашрларининг юзага келиши.

8- мавзу. Ижтимоий-сиёсий газеталарда спорт мавзусига ихтисослашиш масалалари

Спорт мавзусига ва турларига ихтисослашишнинг муштараклиги ва ўзига хослиги. Спорт мавзусида ёзадиган журналист маҳорати ва унга қўйиладиган талаблар. Спорт мавзуларини ёритишда журналистнинг билими ва дунёқарашининг аҳамияти.

9- мавзу. “Спорт” телеканали фаолиятида маҳорат масалалари

“Спорт” каналининг ташкил этилишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамияти. “Спорт” каналида ихтисослашув масалалари. “Спорт” телеканалида

спорт ва унинг турларига ихтисослашнинг йўлга қўйилиши. Спорт турларига ихтисослашган кўрсатувлар. Спорт мавзуни ёритишда ахборий, таҳлилий кўрсатувларни тайёрлашда маҳорат масалалари.

10- мавзу. Радиода спорт мавзуларни ёритишнинг ўзига хослиги

Спорт мавзуларини ёритишда радионинг ўрни ва аҳамияти. Радиожурналист спорт ва унинг турларига ихтисослашув масалалари. Радиода спорт шарҳловчилари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар. Радиода спорт мавзусини ёритадиган машхур спорт журналистлари ва улар маҳоратининг ўзига хослиги.

11- мавзу. Интернетда спорт журналистикасининг ўрни ва аҳамияти

Интернет журналистикасида спортга ихтисослашган сайтларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг аудиториянинг спорт мавзусидаги ахборот билан таъминлашдаги иштироки. Спортга ихтисослашган электрон ОАВнинг асосий функциялари ва тамойиллари. Фуқаролик журналистикаси спортга ихтисослаштишган журналистиканинг замонавий кўриниши сифатида. Спорт сайтларида маҳорат масалалари. Спорт соҳасини ёритишда блогерларнинг иштироки. Блогерлар фаолиятида журналистик маҳоратнинг акс этиши.

12- мавзу. Спорт ва спорт турларига ихтисослашган журналистларни етиштиришга қўйиладиган замонавий талаблар

Спорт журналисти фаолиятида касбий маҳоратнинг ўзига хослиги ва муҳим хусусиятлари. Спорт мавзуси ва турларига ихтисослаштишнинг долзарблиги. Спорт журналисти фаолиятинг методикаси: мавзу танлаш, ахборот йиғиш, материал устида ишлашга қўйилдиган талабларнинг.

13- мавзу. Спортга ихтисослашган журналистларининг фуқаролик масъулияти ва журналист этикаси

Аудитория ва қаҳрамонлари олдида спортжурналистининг фуқаролик масъулияти. Спорт журналистининг касбий маҳорати ва этикаси. Бразилия, Россия, Буюк Британия спорт кодекслари, Бутунжаҳон антидопинг кодекси, Халқаро спорт арбитражи кодекси. Спортжурналистининг имиджи.

14- мавзу. Спорт шарҳловчиси маҳорати

Спортга ихтисослаштиш журналистнинг махсус билимлар, малака ва хусусиятлар тақозо этувчи меҳнат тури сифатида. Спорт шарҳловчига қўйиладиган замонавий талаблар: ижодий қобилият, компетантлик. Дунёқарашнинг кенглиги, лўнда, ёрқин, тушунарли ёза билиш; долзарблилик, холислик. Топқирлик, хушёрлик, чидамлилик, мардлик, шароитни тезда баҳолай олиш. Спорт турларига ихтисослашган шарҳловчиларнинг касбий компетенцияси. Шарҳловчилик маҳорати. Спорт шарҳловчиларининг тили ва услуби.

15- мавзу. Спорт мавзуларини ёритишда журналист позицияси

Спорт журналистининг ижодий имконияти ва интеллектуал савияси. Жаҳон ва мамлакатда содир бўлган воқеаларнинг спорт журналисти томонидан мунтазам кузатиб борилиши. Журналист салоҳияти ва холислиги. Журналист шарҳи расмий вакиллар шарҳидан фарқ қилиши. Журналист ўз шахрида доимо холислик ва

ҳаққонийлик тамойилларига амал қилиши муҳимлиги.

16- мавзу. Спортга ихтисослашган журналистларининг фуқаролик масъулияти ва журналист этикаси

Спорт босма ОАВи аудиторияси. Аудитория ва қахрамонлари олдида спорт журналистининг фуқаролик масъулияти. Спорт журналистининг касбий маҳорати ва этикаси. Бразилия, Россия, Буюк Британия спорт кодекслари, Бутунжаҳон антидопинг кодекси, Халқаро спорт арбитражи кодекси. Спорт журналистининг имиджи.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Спорт публицистикасининг ўзига хос жиҳатлари
2. Спорт журналистикасида энг оммалашган жанрлар
3. Ижодий лаборатория ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?
4. Спорт публицистикасида ижодий экспериментлар
5. Спорт журналист фаолиятида ижодий мотивациянинг аҳамисти
6. Спорт журналистикасида ахборот самарадорлигини таъминлашда маҳорат
7. Спорт журналистини шаклланишида таҳририятлардаги ижодий мактабнинг аҳамияти.
8. Спорт журналистикасида тасвир билан ишлаш имкониятлари
9. Спорт журналистининг ижодий имкониятлари.
10. “Спорт” газетаси таҳририятининг ижодий мактаби.
11. Ахбор Имомхўжаев ижодий лабораторияси
12. Сафар Остонов ижодий лабораторияси
13. Мирзаҳаким Тўхтамирзаев ижодий лабораторияси
14. Асрор Мўмин ижодий лабораторияси
15. Темур Низаев ижодий лабораторияси
16. Рихситилла Умаров ижодий лабораторияси

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Талаба асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотларда мустаҳкамлайди ва бойитади. Дастурда кўрсатилган жанрлар бўйича ёзиш малакасига эга бўлиш, шунингдек, ОАВларда ушбу жанрлардаги материаллари билан фаол иштирок этиш тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Давлат Турдиалиев ижодий лабораторияси
2. Эркин Холбобоев ижодий лабораторияси
3. Норбек Ниёзов ижодий лабораторияси
4. Ойбек Юнусов ижодий лабораторияси
5. Ҳайдар Акбаров ижодий лабораторияси
6. Малика Баротова ижодий лабораторияси
7. Зоҳиджон Холов ижодий лабораторияси
8. Фотокамера объектида – спорт ўйинлари
9. Фотопублицистика ва спорт журналистикаси
10. Даврон Файзиев ижодий лабораторияси

11. Элдор Мустафоев ижодий лабораторияси

Мазкур фанни ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва келгусида уларни амалиётда қўллаш учун мустақил таълим тизимига асосланиб кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб реферат ва илмий маърузалар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куруллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари **Асосий адабиётлар**

1. M. Pedersen, An Examination of the Theoretical, Practical and Occupational Aspects of Sport Communication in Korea , 2013.
2. Алексеев К.А. Ильченко С.Н. Спортивная журналистика. Учебник для магистров. – Москва., Изд-во. “Юрайт”. 2016.
3. Современная периодическая печать Узбекистана: система, тематика, тенденции и проблемы функционирования. – Т.: НОФУз, 2006.
4. Introduction to Journalism Student Activities Book, by Dianne Smith, MJE, 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
7. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури. ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган Ўз.Рес Президенти 2017 йил 7 феврал.
8. Корконосенко С.Г. Основы журналистики - СПб.: СПбГУ, 2002.

9. Ким, М.Н. Технология подготовки журналистского произведения / М.Н. Ким. – СПб. : Изд-во В.А.Михайлова, 2001.
10. Мельник, Г.С. Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста – СПб., 2004.

Интернет сайтлари

1. www.sports.uz
2. www.uff.uz
3. www.championatasia.uz
4. www.sports.ru
5. www.eurosport.org